



Андижон вилояти

Қурултой олдидан

АЪЗОЛАР БЕРАЁТГАН ТАКЛИФЛАР

жамоа шартномаларининг муҳим қисмига айланиши зарур

Яқинда таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон шахри кенгаши раислигига иккинчи марта сайландим. Фаолларнинг сенга такроран ишонч билдириши қувончли ҳол, албатта. Бу бир жиҳатдан кенгаш эришган натижалар касаба уюшмалари аъзоларини қониқтираётганини англатади. Мен эса айни танловнинг моҳиятини беш йиллик кўрсаткичларга берилаётган баҳодан кўра зиммамга икки ҳисса масъулият юкланди, деб тушундим.

Бугун замон ўзгаряпти. Шунинг баробарида одамларнинг онг-у тафаккури, дунёқараши, жамияттаги воқеликларга нисбатан муносабати ҳам ўзгариб бормоқда. Демак, касаба уюшмаларининг барча савий-ҳаракатлари инсон омили ҳамда унинг ижтимоий шарт-шароитларини ахшилаш учун, деган ўзгармас ақидага таянсақ, ходимлар жамоа шартномаларининг янада мукамал бўлишини, ўзлари сайлаган вакиллардан эса ҳар доимгидан-да фаоллиқни кутишга ҳақли. Кенгаш аъзолари айни шу жиҳатларни эътиборда тутиб, мезонни баландроқ олишга киришишган.

Беш йил илгари кенгаш таркибида 143 та ташкилотнинг 25 минг нафардан зиёд ходимлари бирлашган эди. Айни кунда эса аъзо ташкилотлар сони 152 та етди.

Ходимлар салмоғи ҳам шунга яраша. Таъкидлаш керакки, ҳисобот даврида аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муҳофазаси, саломатлигини мустақкамлаш, улар ўртасида маданий-маърифий ва спорт тадбирларини кун тартибидан туширмаслик, тарихий шахарларга саёҳатлар уюштириш каби йўналишларда режадаги вазифалар ўз ўрнида адо этилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги бор қабул қилинган жамоа шартномаларида жамоа шартномаларининг деярли барчасига иш берувчи ташаббусига кўра ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма кўмитасининг розилигини албатта олиш лозими бўлиши тўғрисида банд киритилган. Бундан ташқари, ходимлар сони қисқартирилаётганда ишда қолдириш учун афзалликка

эга ходимлар тоифалари кенгайтирилган. Бу жиҳатлар ҳар қандай шароитда ҳам инсон омили устувор, деган тамойилга интилиш натижаси, албатта.

Кейинги пайтларда ходимлар тарафидан берилган таклифлар ҳам жамоа шартномаларининг муҳим қисмига айланиши зарурлигини ўзимиз учун асосий вазифа этиб белгиладик. Қўйи бўғин раисларига ташкилот ва муассасаларга янги ишга қабул қилинаётган ходимлар жамоа шартномаси ва унда кўзда тутилган имтиёзлар билан албатта танишиши шарт, деган талаб қўйилмоқда. Токи ҳар бир ходим – у ўқитувчи бўладими ёки техник вазифаларни бажарадими – ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам, фойдаланиши мумкин бўлган имтиёзларни ҳам яхши англасин. Ана шунда иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларда келиб чиқадиган турли зиддиятлар кескин камаяди. Бу жиҳат кенгаш фаолияти мисолида, хусусан, ариза ва шикоятлар камайиб бораётганида ҳам кўзга ташланмоқда.

Бундан ташқари, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши касаба уюшмаси

кўмитаси сайлаган вакиллар томонидан ҳар ойда мониторинг қилиб боришни йўлга қўйдик. Эндиликда белгиланган муддатларда бажарилмаётган бандлар юзасидан сабаб ва омиллар таҳлил қилиниб, иш берувчига таклифлар кири-тиб борилади.

Пандемия шароити барча соҳаларда хато ва камчиликларимизни ҳам рўй-рост кўрсатиб қўйгани бор гап. Жумладан, ҳамма ўқитувчи масофавий дарсларни кўнгилдагидек ўтди, деб айтолмаймиз. Шу маънода иш берувчилар билан бирга касаба уюшмалари ҳам кадрларнинг мунтазам равишда тажриба ва малакасини, ахборот-коммуникация технологиялари борасидаги билимларини оширишга кўмаклашиши зарур. Янги тузилган жамоа шартномаларида ҳаёт талабидан келиб чиқиб айни жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Янги ўқув йили олдидан эса онлайн машғулотларда ҳамкасбларига намуна бўлган 200 нафар ўқитувчи муносиб тақдирланди.

Насибакхон ТўРАҚУЛОВА,

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон шахри кенгаши раиси



Тошкент вилояти

Жамоатчилик назорати



Устама ўз вақтида тўланмоқдами?

Тиббиёт ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида касаба уюшмалари ҳам жамоатчилик назоратини амалга оширмоқда. Касаба уюшмаларида тузилган ишчи гуруҳи бу масалани туманлар кесимида ўрганиб чиқмоқда.

Ишчи гуруҳнинг Пискент тумани тиббиёт бирлашмасидаги ахволни ўрганишида коронавирусга қарши кураш тадбирлари учун 126 нафар тиббиёт ходимлари жалб қилингани маълум бўлди. Уларга ойлик лавозим маошларига 6 фоизлик устама тўлаб берилган.

Қўйи Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмасида ҳам коронавирусга қарши курашган 37 нафар тиббиёт ходимига белгиланган тўловлар амалга оширилган. Оққўрғон туманида 176 на-

фар тиббиёт ходимига 6 фоизлик устама берилган.

Ўрганишларда иш берувчилар коронавирусга қарши кураш тадбирлари учун жалб қилинган ходимларни ўз вақтида қўшимча моддий рағбатлантириш, меҳнат муҳофазасига риоя этиш бўйича тушунтириш ва тавсиялар ҳам берилди.

Шокир ҲАЗРАТҚУЛОВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат техник инспектори

Анжуман

Муҳим мавзуда мулоқот

Тошкент вилояти ҳокимлигида касаба уюшмалари билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик» мавзусида семинар ўтказилди.

Турли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, мутасадди идоралар, мактаблар ва фермер хўжаликлари вакиллари иштирок этган семинарда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик, бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича бажарилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама этилди.

Иштирокчиларга зарур тавсиялар берилиб, масалага оид услубий қўлланмалар тақдим этилди.

Шахноза ОДИЛҲОНОВА,

Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси «Маъданий-маърифий ва спорт ишлари» бўлими мудир

Ўрганиш



Сардоба вилояти

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Сардоба тумани кенгаши «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида тармоқда меҳнат қилаётган кам таъминланган, кўп болали, ижтимоий ҳимояга муҳтож касаба уюшма аъзоларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ишчи-ходимларнинг 15 нафар фарзандини 16 турдаги зарурий ўқув қуроллари билан таъминлади.

Ўғил-қизларга санитария-гигиена талаблари, соғлом турмуш тарзи, атроф-муҳит, жамоат уйлари, мактаб, синф хоналари, шахсий буюм, кийим-кечакларини тоза-озода тутиш қоидалари ҳақида тушунчалар ва, турли юқумли касалликлар тўғрисида маълумот берилди.

Ушбу хайрли ишлар янги ўқув йили олдидан болажон-



Таълим

Дастлабки таассурот

ларни рағбатлантиришга, пандемия шароитида ходимларни қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан эътиборга лойиқ.

Ўйлаймизки, шу тариқа фаолиятимиз ҳақидаги дастлабки илиқ таассурот бола-

жонлар хотирасида муҳрланиб, келажақда ўз ҳосиласини бериши, шубҳасиз.

Ҳабибулла ЎРОЗБОЕВ,

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сардоба тумани кенгаши раиси



Наманган вилояти

Санаторий ходимлари қандай шароитда ишламоқда?



Пандемия шароитида Наманган вилояти бўйича фаолият юритишига рухсат берилган «Косонсой» ва «Чортоқ» санаторийларида даволанаётган, дам олаётганларга яратилган шароитлар ва ишловчи ходимларнинг меҳнат муҳофазаси билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг вилоят бўйича меҳнат техник инспектори томонидан бир қатор ўрганишлар ўтказилди.

Маълумки, «Косонсой» санаторийси дарё соҳилида жойлашган баҳаво курорт зонаси ҳисобланади. Юрак, асаб, ҳаракат-таянч тизими касалликларига чалинган беморларни соғломлаштиришга ихтисослаштирилган. Санаторийга ишловчилар яъни ёши 65 дан ошган, 100 нафарни ташкил этади. Айни карантин даврида эса 81 нафар ходим ишламоқда ҳамда 100 нафарга яқин киши даволанмоқда.

– Ўрганишлар кўрсатдики, санаторийда мавжуд касб ва лавозимлар ҳамда иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномалари ишлаб чиқилган, дейди меҳнат техник инспектори Мирзаномир Қорабоев. – Меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўл-

ган ходимлар махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда шахсий гигиена ва ҳимоя воситалари билан бепул таъминланган. Санаторийда ходимлар карантин талабларига амал қилган ҳолда фаолият юритмоқда. Хавфли гуруҳлардаги шахсларни, яъни ёши 65 дан ошган,


Чортоқ туманидаги «Чортоқ» санаторийсида ҳам ҳаракат-таянч аъзолари, юрак ҳамда асаб касалликлари бор беморлар даволанади. Ишловчилар 370 нафар бўлгани ҳолда карантинда 130 нафар ходим фаолият юритмоқда.

сурункали касалликлари бўлган, иммунитети пасайган шахслар ва ҳомилдор аёллар ўз-ўзини изоляция қилиш режимини ўрнатган ҳолда вақтинча ишдан озод қилинган. Санаторийда ходимларни ишга олиб келиш ва олиб кетиш


учун махсус транспорт хизмати йўлга қўйилган.

Чортоқ туманидаги «Чортоқ» санаторийсида ҳам ҳаракат-таянч аъзолари, юрак ҳамда асаб касалликлари бор беморлар даволанади. Ишловчилар 370 нафар бўлгани ҳолда карантинда 130 нафар ходим фаолият юритмоқда. Айни кунда санаторийда 304 нафар киши даволанаётди. Санаторийда жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиб қоидалари ва бошқа локал ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Санаторий иш берувчиси ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилига пандемия даврида амал қилиш зарур бўлган масалалар юзасидан бир қатор тавсиялар берилди.



Орзугул РУСТАМОВА, «ISHONCH»



Хоразм вилояти

Жамоатчилик назорати

Меҳнат муносиб баҳосини олиши шарт

Касаба уюшмалари аралашуви билан 200 нафар тиббиёт ходимига қўшимча пуллар тўланишига эришилди.

Эътибор қилган бўлсангиз, ижтимоий тармоқларда коронавирუს инфекциясига қарши курашда иштирок этаётган тиббиёт ходимларига тўланиши лозим бўлган қўшимча маблағлар ўз вақтида берилмаётгани ёки кам тўланаётгани ҳақида хабарлар тез-тез тарқалиб турибди.

Касаба уюшмалари бу каби ҳолатларнинг олдини олиш, ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мунтазам ўрганишлар ўтказмоқда. Муҳими, муаммолар тегишли равишда ўз жойида аниқланиб, ечим топмоқда.

Маълумки, «Коронавирუს» инфекциясини тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган тиббиёт, сататрия-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни қўшимча моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик Низом талаблари асосида ходимнинг лавозим маошига ҳар кунлик 6 фоиз қўшимча тўлаб берилиши керак. Бу ўз вақтинлари саломатлигини хатарга қўйиб, эл соғлиғини ҳимоя қилиш учун жонфидолик қилаётганлар учун муносиб рағбатдир. Аммо, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси «Ихтисослаштирилган автотранспорт корхонаси» ДКда коронавирус инфекциясини тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган даврлар учун 61 нафар ҳайдовчининг ойлик лавозим маошларига ҳар кунлик 6 фоиз қўшимча тўловлар (36.900.000 сўм) пул тўлаб берилмагани аниқланди. Касаба уюшмалари ёрдамида ушбу тўловларнинг тўлиқ тўланиши таъминланди.

Янгиариқ тумани тиббиёт бирлашмасида коронавирус инфекциясини тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган 139 нафар тиббиёт хо-

димига ҳам ҳар кунлик қўшимча тўлиқ тўланмаётгани аниқланди. Жумладан, 46 нафар врачга 59.081.942 сўм, 58 нафар ўрта тиббиёт ходимига 38.895.882 сўм, 28 нафар кичик тиббиёт ходимига 14.327.241 сўм, 9 нафар бошқа ходимларга 13.308.225 сўм пул маблағлари тўлаб берилмаган.

Бундан ташқари, ўрганишларда туманда коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлашган объектларда ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида ишлаётган ходимларга ҳар 14 кунлик фаолият даври учун махсус қўшимча рағбатлантириш тўловлари ҳам тўлиқ тўланмаётгани, жумладан, 46 нафар шифокорга 594.449.913 сўм, 59 нафар ўрта тиббиёт ходимига 505.519.697 сўм, 24 нафар кичик тиббиёт ходимига 151.467.982 сўм пул маблағлари тўланмаган.

Ўрганишлар асосида иш берувчи номига вақтинчалик Низом талаблари асосида жалб қилинган тиббиёт ходимларининг ойлик лавозим маошларига ҳар кунлик қўшимча 6 фоиз тўловлардан 125.613.290 сўм ва ҳар 14 кунлик фаолият даври учун махсус қўшимча рағбатлантириш тўловидан 1.251.437.592 сўм пул маблағларини ўз вақтида тўлаб бериш тўғрисида кўрсатма киритилди.

Кўрсатмада қўйилган талабларни бажаргани туфайли касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, ходимларнинг меҳнати муносиб рағбатлантирилди.

Музаффар ОТАБОВЕВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Хоразм вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори



Ечим кутаётган муаммо

Фикр

Ижарада сарсон сағирлар

Аслида, инсонга бахтли яшаш учун кўп нарса керак эмас. Тинчлик-хотиржамлик, соғлик ва беминнатгина уй-жойинг бўлса, Худойим солиҳ ва солиҳа фарзанд-у аржумандлардан баҳраманд этган бўлса... Қолгани секин-аста рўйбга чиқаверади.

Чироқчи туманининг «Олтин бошоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи Зебинисо Нурматова Мансур Бойсариевга турмушга чиққанида дили олам-олам орзуларга тўлган эди. Кейин бахтга лиммо-лим хонадонда фарзандлар туғиди: 2010 йилда Зарина, 2011 йилда Ёзоза, 2013 йилда Хасан ва Зухра... Аммо 2014 йилда оила бошлиғи Мансуржон оғир хасталиқдан сўнг вафот этди. Зебунисо бир этак боласи билан бўзлаб қолди.

Хар қандай дардни вақт доволайди, дейишади. Бироқ ёш онага болаларини отасиз ўстириш осон эмас. У қайнонасининг каталақдай ҳовлисиди тўртта рўзгор яшаш туфайли секин-аста овсинлар гоҳо қайнона-келин, гоҳо қайноға-келин ўртасида майда-чуйда ғиди-бидилар чиқа бошлади.

Боз устига, кичик ҳовлида бир этак болаларнинг арзимаган жанжалли ҳам гоҳида катталарнинг бақир-чақиригача бориб етадиган бўлди.

... Ўзи иккинчи гуруҳ ногирони, турмуш ўртоғи вафот этган. Қолаверса, шифокорлар қизи Ёзозага «Умurtқа погонаси тугма аномалияси» ташхисини қўйишган. У ҳам ногирон. Қизлари Зарина ва Зухра ҳам кўз касаллиги бўйича муолажа олиб туришади...

Ана шу омиллар Зебинисони кўлга олишга мажбур қилди. Тўрт боласи билан онасиникида яшаётганини билдириб, давлатдан уй-жой куриб беришда ёрдам сўради.

Давлат идораларига қилинган мурожаатлар бесамар кетмади. 2019 йилнинг 19 декабрь санасида Чироқчи тумани ҳокими Хуррам Жўраев имзоси билан Зебинисо Нурматовага «Олтин дала» МФЙ ҳудудидан ер майдони ажратилиб, уй-жой куриш учун рухсат берилди.

— Оилам учун уй-жой куришда кўмаклашишни сўраб,



ёзмаган ташкилотим қолмади. 2019 йилда ўша вақтдаги вилоят ҳокими Зафар Рўзиев Чироқчи тумани ҳокимига бизни уй билан таъминлаш бўйича топшириқ берди, — дейди биз билан суҳбатда Зебинисо Нурматова. — Бу ўртада касабга уюшмалари шафелигида аҳолининг кам таъминланган қатламларини уй-жой билан таъминлаш, уй-жойларини таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Аммо бизга уй куриб беришмади.

— Нима, сизни унутшидими ёки хабар олишмадими?, — дея сўрайман умидвор онадан.

— Келишди, ўрганишди. Касаба уюшма фаоллари уй-имизни таъмирлаш учун дастурга киргизишмоқчи бўлишди. Мен эса эътироз билдириб, «Йўқ уйнинг нима-сини таъмирлайсиз? Аввал уй куриб беринг. Вилоят ҳокими шунга кўрсатма берганди-ку?» дедим...

Хуллас, Зебинисо Нурматова ўзи учун ажратилган ер майдонида уй-жой куришда ёрдам сўраб, жорий йилда ҳам ўз мурожаатларини тўхтатмади ва шу йил 21 июль санасида Чироқчи тумани ҳокими ўринбосари, бўлим бошлиғи Ш.Чоршанбиев имзоси билан қуйидагича жавоб олди:

— Фуқаро Нурматова Зебинисонинг уй-жой учун қилган мурожаати тегишлича ўрганиб чиқилди ва 2020 йил февраль ойида туман касаба уюшмасида 35-рақам билан уй-жой учун навбат асосида рўйхатга қўйилгани фуқарога тушунтирилди...

Маҳалла — халқ дарди ва ташвишини теран ўрганадиган, керак бўлса, ечимига кўмак берадиган етакчи ташкилотлардан бири. Хўш, Зебинисо Нурматованинг муаммосига у яшайдиган маҳалла раиси қандай муносабат билдирар экан?

Шу савол билан «Олтин бошоқ» МФЙ раиси Ваҳоб Муродовга юзландик.

— Зебинисонинг аҳволини тўғри тушунаман. Яқинда болалари билан ижара уйга кўчиб ўтди. Ойига 150 минг сўмдан тўлаб, яшашапти, — дейди раис. — Ўзи ва қизи ногиронлик нафақасини, яна боқувчисини йўқотганлик нафақасини олади. Аммо, барибир, ўз уйи бўлмаса қийин.

2017 йилда маҳалламизда яшовчи Акмал Муҳаммадиевга давлат ҳисобидан уй куриб берилганди. Акмалнинг ўзи ва хотини ногирон, икки нафар фарзанди бор.

Зебинисога ҳам ер ажратилди, уй-жой масаласи навбатга қўйилди. Демак, давлат эътибори остида бу оила албатта, уйли бўлади. Биз маҳалла фаоллари ҳам қараб турмаймиз. Уни қўлдан келганча қўлаб тураимиз.

«Темир дафтарга» киргани учун яқинда бу оилага давлат томонидан ажратилган маблағларни ҳам топширдик...

Ишонамизки, ногирон ва боқувчисини йўқотган, бир этак сағир боласи билан ижарама-ижара юрган Зебинисонинг ҳам муаммолари тез орада барҳам топади.



Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Шарҳ

БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти — ФАО ҳар йили озиқ-овқат хавфсизлиги ва очлик тўғрисидаги маълумотларни мунтазам равишда эълон қилиб боради. Уларнинг ичида «тўйиб овқатланмайдиганлар улуши» кўрсаткичи жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ҳар бир мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузига ҳам катта таъсир кўрсатади.

«Тўйиб овқатланмайдиганлар улуши»

Ўзбекистонда бу кўрсаткич қандай?

«Тўйиб овқатланмайдиганлар улуши» кўрсаткичи кунлик лозим бўлган озуқавий энергия истеъмолини қондириш учун етарли бўлмаган аҳоли улушини ифодалайди.

У уй хўжаликлари кузатувлари асосида бир йил давомида мамлакат миқёсида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларини аҳоли қатламларидаги истеъмол қилиш тақсимотини аниқлаш орқали ҳисобланади.

Халқаро миқёсда тан олинган ушбу кўрсаткич ҳукуматлараро сиёсий муносабатлар ўрнатиш, нодавлат ва ҳукумат ташкилотларининг фаолиятида муайян мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси ҳақидаги муҳим маълумот сифатида қўлланилади. Қолаверса, ундан очликни бартараф этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва овқатланиш сифатини яхшилаш мезони сифатида мамлакатларнинг ривожланишини мониторинг қилишда ҳам фойдаланилади. Тўйиб овқатланмасликнинг миллий ва глобал тенденцияларини аниқлаш, озиқ-овқат танқислиги кўрсаткичи индексини ҳисоблаш учун ҳам ишлатилгани учун у Халқаро озиқ-овқат сиёсати тадқиқот институтининг (IFPRI) глобал очлик индексининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда бу кўрсаткич 2009 йилда 10,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда у 6,3 фоизга тенгланган.

Хўш, бу ҳақиқатга тўғри келадами? Ўзбекистонга тегишли маълумотлар қайси мезонлар асосида аниқланган?

Ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида ўтган йили Давлат статистика қўмитаси таркибида «Тўйиб овқатланмайдиганлар улуши» кўрсаткичинини тадқиқ қилиш бўйича эксперт гуруҳи ташкил этилди.

Эксперт гуруҳи ФАОнинг Ўзбекистон бўйича аҳолининг тўйиб овқатланмаслик кўрсаткичларини ҳисоблаш ва озиқ-овқат баланси методологиялари ҳамда фойдаланилган маълумотлар манбаларини чуқур ўрганиб чиқди.

ФАО экспертлари билан ўтказилган музокаралардан сўнг Давлат Статистика қўмитасининг билдирган эътироз ва таклифлари инobatга олинди ва Ўзбекистон учун «Тўйиб овқатланмайдиганлар улуши» кўрсаткичи 2014 йилдан бошлаб қайта ҳисобланадиган бўлди.

Шу йил 13 июль кунини ФАО «Жаҳондаги озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш ҳолати-2020» ҳисоботида Ўзбекистон учун «Тўйиб овқатланмайдиганлар улуши» кўрсаткичинини (2014 йилдан бошлаб қайта ҳисоблаган ҳолда) 2016-2018 йиллар учун 2,8, (0,9 миллион нафар), 2017-2019 йиллар учун эса 2,6 фоиз (0,8 миллион нафар) деб эълон қилди. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро миқёсидаги обрўйсига ҳам таъсир қилиши шубҳасиз. Хусусан, бу инвесторларнинг Ўзбекистонга қизиқишини янада орттириб, янги иқтисодий лойиҳаларни амалга ошишига хизмат қилади.

Ҳуррият ХУДОЙҚУЛОВА,
Давлат статистика қўмитаси бosh мутахассиси

Жаҳон тажрибаси

ҚУРИЛИШ САНОАТИДА ИНСОН ОМИЛИ ёхуд меҳнат хавфсизлигининг ижтимоий-иқтисодий асослари нималардан иборат?

Ҳозирги пайтда қурилиш саноати дунё иқтисодиётининг жадал суръатларда ривожланаётган соҳаларидан бири ҳисобланади. Жаҳон умумий ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш таркибида тармоқнинг улуши тобора ўсиб бораётгани бунинг яққол исботидир. Дунё мамлакатлари ялпи ички маҳсулотининг 13 фоизи айнан ушбу тармоқда яратилаётгани эса қурилиш инфраструктураларининг барқарор ривожланаётганидан далолат. Айни чоғда мазкур кўрсаткич 4,8 трилион АҚШ долларга етиши тахмин қилинмоқда.



Замонавий илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қурилиш соҳасининг ривожланиши қатор салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқараётгани боис «корпоратив ижтимоий жавобгарлик» деган янги ибора юзага келди. Иш жойларида ижтимоий-иқтисодий самардорликни оширишга тўққинлик қиладиган масъулиятсизлик, эътиборсизлик, тартиб-қоидалар ва буйруқларга бўйсунмаслик, билимсизлик, ишни режасиз ва тартибсиз ташкил этиш, сифатсиз бошқарув ва назорат сабабли ишчиларнинг жиддий зарар кўраётгани, ҳатто, ўлим даражасининг ортиб бориши шулар сирасидан бўлиб, бу эса қурилиш саноатида инсон ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш масаласини янада долзарблаштиради. Халқаро Меҳнат ташкилотининг 1991 йил 11 январда қучга кирган 167-сонли «Қурилишда соғлиқ ва хавфсизлик» конвенцияси ана шу мақсадга

хизмат қилмоқда. Ушбу конвенцияни 32 мамлакат ратификация қилган. У қурилиш саноатида юқори ижтимоий-иқтисодий натижаларга эришиш омили сифатида ҳам эътироф этилмоқда. Чунки қурилиш саноатининг кўлами кенгайгани сари хавфлар ҳам ортиб боради. Бу эса иқтисодий йўқотишларга ҳам сабаб бўлади.

Масалан, ўтган йили қурилишдаги бахтсиз ҳодисалар туфайли АҚШ 696,771,40, Европа иттифоқи 123,862,20, Янги Зеландия 6,479,1 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган.

Эўлер Гермес халқаро агентлигининг тадқиқотларига кўра, 2014 ва 2018 йиллар оралиғида жаҳон минтақаларида қурилиш фаолиятида бахтсиз ҳодисалар содир бўлиш хавфи кескин ортишдан Хитой, Россия, Бразилия, Туркия ва араб мамлакатлари ҳам азият чеккан.

Эътиборлиси шундаки, қурилиш са-

ноатининг ривожланиши кўп жиҳатдан мухожирларнинг меҳнатга юқори ҳақ тўлашга интилиши ёки қулайроқ меҳнат шароитларида ишлашга хоҳиш натижасига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу ҳол уларнинг маҳаллий стандартлар асосида меҳнат муносабатларига таянган ҳолда ишлашига ҳамда турли касб касалликларига чалиниши ва бахтсиз ҳодисаларга учрашига олиб келмоқда. Шу сабабли қурилиш соҳасида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш бўйича миллий қоидаларни зудлик билан халқаро стандартларга мослаштириш зарур. Бу инсонлар соғлиғини асраши баробарида турли бахтсиз ҳодисаларнинг ҳам олдини олади. Қолаверса, иқтисодий зарар миқдори ҳам камаяди.

Азиз ЗИКРИЁЕВ,
Тошкент архитектура-қурилиш институти докторанти

Эълон

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Қипчоқ» ҚФЙ, «Ҳосилдор» МФЙ ҳудудига 1,0 гектар ер майдонида жойлашган 85 туپ гилос дарахтларидан иборат «Богзор» қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 6 500 000 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2020 йил 12 октябрь кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 68-А уй манзилида бўлиб ўтади.

Мазкур объект шу кунини сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2020 йил

26 октябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги қелишувини» имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиали, х/р: 20208000804876496001, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808) тўлашлари лозим. Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га

асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорида аҳборот ва маслаҳат хизмати кўрсатилади, шартномалар тузилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак: — юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномаининг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9:00дан 16:00гача Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 68-А уй манзилида қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru электрон манзили ҳамда 170-78-43 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Лицензия:RR — №0008.

Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда тишга тегадиган бир мақол тез-тез қўлланилмоқда: «Бир болага етти маҳалла — ота-она». Мантиқан шу тўғрими? Етти маҳаллада яшайдиганлар у ёқда турсин, бир маҳаллада умргузаронлик қилаётганлар бир-бирларини танишмайди-ю...

БИР БОЛАГА ЕТТИ МАҲАЛЛА ОТА-ОНАМИ?



Рамзий сурат

Маҳалла масалаларига бағишлаб Гулистон шаҳрида ўтказилган бир йиғилишда минбарга кўтарилган раҳбар зал тўла одамларга қарата мазкур мақолни ишлатганида беихтиёр уни саволга тутдим. Жўяли жавоб беролмай толмовсираб қолди.

Кизиги, баъзилар бу мақолни: «Бир болага етти қўшни — ота-она» тарзда ҳам қўлашаяпти. Ушбу истеъфодада, назаримда, мантиқ борга ўхшайди. Бироқ «Фан» нашриётида чоп этилган икки жилдлик «Ўзбек халқ мақоллари» китобини varaқлаб, мақолнинг бу вариантини ҳам топа олмадим. Ва ният, тўпламнинг 1-жилдидан «Бир қизга етти қўшни ота-она», деган мақола («Фан» нашриёти, 1987 йил, 86-бет) кўзим тушди.

Фикри оғизимча, мақолнинг шу варианты тўғрига ўхшайди. Чунки ўзбек оилаларида қиз боланинг тарбияси, юриш-туриши, кийинишига алоҳида эътибор қаратишади. Уни бамисоли гулдек авайлаб-асрашади. «Бировнинг хасми» деб кўз қорачиғидек сақлашади. «Келин ёмон эмас, келин келган ер ёмон», «Келининг яхши бўлса, берди Худо, келининг ёмон бўлса, урди Худо» деган мақоллар бе-жиз тўқилмаган. Қиз боланинг шарм-у хаёсизлиги нафақат оилага, балки бутун маҳал-лага иснод келтирган. Шу боис, қўни-қўшнилар қиз болани ота-онасидек тергашга ҳақли деб ҳисобланган.

Муҳаммадали АҲМАД
Гулистон шаҳри

ЭЪЛОНЛАР

«BEST AUTO AUCTION» МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади:

Савдога «SAMARQAND DORI DARMON» АЖ Кузатув Кенгашининг 2020 йил 2 сентябрдаги 7-сонли йиғилиш қарори ҳамда жамиятнинг 2020 йил 10 сентябрдаги МБ-11/407-сонли буюртма хатига асосан Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Ертешар кўчаси, 1-уйда сақланаётган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами белгиси 30 011 QAA бўлган «CAPTIVA» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 159 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 13 октябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аризаларни қабул қилишининг охири муддати: 2020 йил 12 октябрь кунини соат 18:00.

Ушбу мулк 2020 йил 13 октябрь кунини сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2020 йил 28 октябрь кунлари соат 11:00 да ўтказилади.

Такрорий аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш белгиланган савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «BEST AUTO AUCTION» МЧЖнинг Самарқанд минтақавий филиали ҳисобрақамига (банк: АТИБ «Ипотека банк» Кўксарой филиали, х/р: 20208000700805784002, МФО:00262, СТИР:305089257) тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, 210-хона. **Тел.:** (+99890) 212-60-01, (+99897) 925-77-90. **Электрон почта манзили:** best.samarqand@inbox.uz.

Гувоҳнома №547246.

Тошкент вилояти давлат педагогика институти томонидан 2008 йил 5 июлда Абдулганев Абдурауф Узоқбирдиевич номига берилган В 414765 рақамли (қайд рақами - 4639) дипломнинг иловаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.



Шавкат
РАҲМОН

Ўлдир, ичиндаги
хоинни ўлдир...

Титроқ сездингми ҳеч бир шум лаҳзада – хатар-ла юзма-юз турган чоғингда. Тубсиз жар лабида оний ларзадан титраб келганмиди жонинг оғзингга. Нопоклар покларга қилганда тухмат, титрамай айтдингми кескир сўзингни. Боланнинг ёдига не қилдинг туҳфа, асраб қололдингми ўзинг ўзингни?! Қалтис лаҳзалар бор – дош бермак мушуқул, бироқ чидаганлар тирик хотирда, гоҳо элитарлар – нафаси мушкин, гоҳо кўринарлар кўзингга тигдай. Осмондан келганда тубан одамлар – бири чиноркесар, бири кесар тил. Бутун қилмишларин қарасанг жамлаб, намоён бўлади суврати қотил. Қалтис лаҳзалар йўқ, қалтис умр бор, мўр-малах ном аро ёлғиз номинг бор. Лаҳзада титроққа айланиб турсанг, демакки, ичингда битта хоин бор. Ўлдир, ичингдаги хоинни ўлдир, волида кўзига боқишдан аввал, маъшуқа кўйнида ётишдан аввал, зулмат уммонида ботишдан аввал. Ўлдир бу, нафсининг ботқоғи эмас, қиличнинг дамидай чақнаган йўлдири. Бу йўлга юзингни буришдан аввал, ўлдир, ичингдаги хоинни ўлдир.

Баҳодирлар ҳақида

Жангда ўлган эмас бирор баҳодир, бари ҳалок бўлган хиёнатлардан, тошдай ухлаганда тўшларин очиб ё заҳар қўшилган зиёфатлардан.

Бирор асотирда баҳодирларни ҳаттоки юз бошли аждар емаган, минг бир синоатли ялмоғизлар ҳам тоғларни ўйнаган девлар енгмаган.

Бари ҳалок бўлган хиёнатлардан, барига орқадан санчилган ханжар. Шундай бўлиб келган азал-у азал Мана шу жафокаш, кўхна Ватанда.

Ҳар гал баҳодирлар йиқилар экан куракка санчилган номард тигидан, қайта тирилгандай бўларди ногоҳ ҳар бир болакayнинг қорачиғида.

Ишонгил, ҳеч қачон сени алдамас софдил элатларнинг асотирлари, бирорта баҳодир ўлганмас жангда, қўрқоқлар ўлдирган баҳодирларни.

Эътиқоди-ю илми туфайли эл орасида мулла Боймүрод таърифини олган элдошимиз бандаликни бажо келтирди. Эрталаб қўшни қишлоққа фотиҳага бориб қайтаётиб, йўлда кела-келгунча уловда ҳамроҳларига гүрүнг бериб кела-кела бир ҳаялда жон таслим қилибди, раҳматли.

– Ие, нега бундай бўлибди? Ахир, кечагина уйда юмушларини бажариб юрганди-ку?

– Кечани нима қиласиз айтиб. Мен бугун эрталаб саломлашувдим. Ҳеч касалга ўхшамаганди.

– Касал эмас экан. Бирор марта ҳам бир ери оғримаган экан...

Одамлар бири олиб, бири қўйиб юз берган мусибатга ўз таажжубини билдира бошлади.

Аммо начора, Аллоҳнинг иродаси-да. Мулла Боймүрод (Муҳаммадиев) 56 ёшда бандалик қилди.

У билан баъзан китоб муталааси юзасидан суҳбатлашиб турардик. Чунки жуда кўп китоб ўқир, катта жавони дурдона асарларга тўла эди.

– Ҳа, мулла бува, қандай китобларни ўқиясиз?, – деб сўраган эдим яқинда ундан.

– Ҳозир аввалгидек китоб ўқиёлмай қолдим.



Яратганнынг иродаси

– Ие, нега?

– Вақт йўқ. Иш кўп. Шунинг учун газета-журнал билан қиёланаяпман. Китобни қишда ўқиймиз энди...

Рост-да, мулла буванинг тиниб ўтирганини биров кўрган эмас. Бир қарасангиз, ҳовлисидаги экинлар билан андармон, бир қарасангиз,

чорвасига хашак йиғаетган бўлади. Симтўрдан катак ясаб, ҳовлисида мингга яқин бедана боқиб, тухумларини сотганини айтмайсизми? Эшитиб, ҳайрон қолдим.

Отамерос кетмонини кишин-ёзин елкадан қўймай, ердан бир йилда икки-уч марта ҳосил олар, картош-

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Давлат божхона қўмитаси ва Божхона институти ҳамкорлигида ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий хотирасига эҳтиром кўрсатиш, улуғ адибнинг миллий адабиётимиз ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини улуғлаш мақсадида «Адибимиз – фахримиз» мавзусида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.



Тадбир

Қодирий даҳосига эҳтиром

Адиблар хиёбонида ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар адибнинг ҳаёти ва ижоди, ватанпарварлиги, маърифатпарварлик ғоялари ҳақида сўз юритишди.

Эътироф этилганидек, Абдулла Қодирийнинг тенгсиз ва гўзал образлари бутун борлиғимизни мафтун қилиб, унга оромбахш илиқлик, туганмас ҳаяжон олиб киради. Ёзувчи ўзининг нурга йўғрилган беғубор ва ҳароратли ижоди билан бутун ўзбек адабиётини ўтган асрнинг биринчи чорагидаёқ юқори босқичга кўтарди. Адиб ана шу юксак чўққидан туриб, бугунги авлодларнинг миллат тақдирига, унинг шаффоф кўзгуси ҳисобланган адабиётига, бадииятига нечоғлик содиқ эканини ва шу билан

ўзининг абадиётга дахлдорлигини қай даражада муҳрлаб қўяётганини кузатиб тургандек гўё.

– Абдулла Қодирий ҳақиқатнинг кўзларига тик қараган инсон эди. Бу зот ҳақгўйлик билан шуҳрат топди. Қодирий ижодининг аҳамияти унинг миллий роман яратгани билангина чекланмайди. Улуғ адиб ўз романларида биринчилардан бўлиб ўзбек халқи ҳаётининг ёрқин манзараларини ҳам чизиб берди, миллий характери мукаммал намуналарини яратди, – дея таъкидлади тадбирда филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримов.

Маърифий тадбирда иштирок этган Абдулла Қодирийнинг набираси Хуршид Абдуллаев бугунги кунда адибнинг номини

абдийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларни эътироф этиб, бир умр миллат дарди билан ёниб яшаган миллат қахрамонига кўрсатилаётган эҳтиром учун давлатимиз раҳбари ва халқимизга Қодирийлар авлоди номидан миннатдорлик билдирди.

Тадбирда Божхона институти курсантлари адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида саҳна кўринишларини намойиш этишди.

Ҳабибулла АЗИЗОВ,

Давлат божхона қўмитаси раисининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!»



Бир олам таассурот билан

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Фаргона вилояти ташкилотлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси тасарруфидаги корхона ва ташкилот

ларда меҳнат қилиб келаётган 54 нафар ишчи-ҳодимнинг Хива шаҳрига саёҳати уюштирилди.

– Ушбу саёҳат унутилмас таассуротларга бой бўлди, – дейди Зоҳиджон Қодиров. –

Ичан-қалъадаги Кўҳна арк, Паҳлавон Маҳмуд мажмуалари, Шерғоziхон, Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси каби диққатга сазовор жойларда бўлиб, маънавий завқ олди.

Ўз муҳбиримиз



Митти ҳикоялар

Илоҳий марҳамат

Ўтган асрнинг эллагинчи йилларида қишлоғимизда «Жўра ғажир Сибирдан қайтиб келибди» деган гап тарқалди.

Анграйиб қолганимизни кўриб, отам бизга шундай деди: «Жўра менинг тенгдошим. Колхознинг подасини бирга боққанмиз. Уруш вақтида эри фронтга кетган жувонни йўлдан урмоқчи бўлган раисни дўппослагани учун «кесиби» юборишган эди».

Қишлоқ оқсоқоллари бош бўлиб, Жўра бувага қабристоннинг ёнгинасидаги ердан бир уй, бир дахли ва молхона солиб беришди.

Бир куни мактабдан кейин далага кетаётиб, буванинг тоғорада кир юваётганини кўриб, «Уйлансангиз бўлмайдимиз?» дея олмадим-да, «Нимага яқка яшайсиз?» деб сўрадим.

Жўра бува саволимга хотиржам жавоб берди: «Мен яқка эмасман, мен Худо биланман».

Жўра бува кейинчалик қишлоқдошимиз Тўхтабу опага уйланди. Дарҳақиқат, Худо уларни яқка қўймади – бир этак бола берди.

Муҳаммад
ТОШБОЛТАЕВ

Қатра

каю-сабзилари бозорнинг олди бўларди...

Яна билганим шуки, ҳеч қаерда ишламаса-да, ҳалол меҳнати билан тўрт йилда кетма-кет тўрт қизини чиқарди. Айни пайтда ёлғиз ўғли Самариддинни пойтахтда ўқитаётганди. Тақдир экан, яқка-ю ягона ўғлининг тўйини кўролмади.

Рўзғори катталигига қарамай, бирор марта давлатдан нафақа сўрамаган ва олмаган, энг ибратлиси, тақдирдан нolib гапирганини ҳеч ким эшитган эмас.

– Шундай бепоён мамлакатнинг тинч, осойишта сақлаб турилганининг ўзи катта неъмат эмасми? Ўзимиз баъзида кичкинагина оиламизнинг тинч-тотувлигини сақлашга қийналиб қоламиз-ку! Нoлимайлик, – дерди у бошқаларга қарата.

Мулла бўлса-да, салла ўрамади. Ҳажга бормади. Аммо кечмишининг ўзи ибодатдан иборат эди. Кечалари Қуръон ўқиб чиқар, кундузлари эса қўли юмушдан бўшамасди. Ҳалол ишлаш, ҳалол яшашни бошқа ҳамма нарсадан устун қўяр, ҳар бир воқеаликни Яратганнынг иродаси, деб қабул қилиш унинг ҳаёт мазмуни ва ақидаси эди...

Шунинг учун ҳам жанозасида ҳовлисига одам сиғмай кетди...

Акмал ўРОЛ

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
116-рақам билан
рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва
«Ishonch-Доверие»
газеталари тахрир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(тахрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари),

Тему́р МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари –
«Ishonch-Доверие» бўйича),

Меҳриддин ШУКУРОВ,
(Масъул котиб – «Ishonch»),

Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб –
«Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир

Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти –
(71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт –
(71) 256-52-89
Миллий-маънавий
қадриятлар ва спорт –
(71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар
билан ишлаш –
(71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна –
(71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг фармон
ва қарорлари, энг сўнгги
янгиликлар, таҳлилий,
танқидий мақолалар,
хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишишингиз
мумкин.

Хўдудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоний вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фаргона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда маъба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фидри тахририят қўшма
назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев

Мусаҳҳиҳлар:

С. Шодиева,
З. Холмуҳаммедова

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 21:00
Топширилди – 19:30

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма Г – 917.
27841 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба
ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:

Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ispoteka bank»
Яшнoбoд филиали,
Банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130